



VALUES OF E-GOVERNMENT IN IMPLEMENTATION OF THE STRATEGY OF ACTION FOR THE FURTHER DEVELOPMENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

E.ABDULLAEV^a Tashkent State University of Law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

^a Tashkent State University of Law

ЗНАЧЕНИЕ ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА В РЕАЛИЗАЦИИ СТРАТЕГИИ ДЕЙСТВИЙ ПО ДАЛЬНЕЙШЕМУ РАЗВИТИЮ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Э.АБДУЛЛАЕВ^a Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047, Узбекистан

^aТашкентского государственного юридического университета

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИНГ АҲАМИЯТИ

Э.АБДУЛЛАЕВ^a Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

^aТошкент давлат юридик университети

Аннотация: мазкур мақолада мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда электрон ҳукуматнинг ўрни ҳамда ролини, шунингдек электрон ҳукуматнинг ўзига хос хусусиятларини, унинг бугунги кундаги тараққиётини ҳамда бу борада мазкур соҳадаги хорижий давлатлар тажрибасининг қиёсий ҳуқуқий жиҳатларига илмий-назарий ва амалий жиҳатдан эътибор қаратилган.

Калим сўзлар: ахборот-коммуникация технологиялари, электрон ҳукумат, электрон демократия, ўрганиш, электрон тижорат, инспекциянинг мансабдор шахси, автоматлаштирилган ахборот тизими.

Аннотация: в данной статье уделено особое внимание роли электронного правительства в Стратегии действий, а также особенности электронного правительства и его развития. Представлен опыт некоторых стран в этой сфере с юридической, научно-теоретической и практической точки зрения.

Ключевые слова: информационно-коммуникационные технологии, электронное правительство, электронная демократия, изучения, электронная коммерция, должностное лицо, инспекция, автоматизированная информационная система.

Annotation: in the article the author focuses on the role of electronic government in Strategy of actions, he also writes about special features of e-government, its development, and experience of other countries in this sphere and learns their practice on e-government from legal, scientific-theoretical and practical points of view.

Keywords: information communication technology, electron government, electron democracy, learning, electron commerce, officer of inspectorate, automatic information system.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро

тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани сабабли давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янги ҳаёт ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш зарурати юзага келмоқда.

Аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиб, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиб, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси [1] ишлаб чиқилди.

Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналиши давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, бунда давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, хусусан, “электрон ҳуқуқ” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш каби устувор вазифалар қўйилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган қонунчилик соҳасидаги ислохотлар, энг аввало, унда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини яратишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Шахс ҳуқуқлари орасида унинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқи ҳам етакчи ўринга эга. Бундай ҳуқуқ ҳар бир шахснинг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланиб, ўзини демократик ҳуқуқий давлат деб эътироф этган мамлакатлар ўз фуқаролари учун бундай ҳуқуқни амалга оширишнинг қафолатини тўлиқ таъминлаб бериши лозим. Худди шундай конституциявий тамойил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам белгиланган бўлиб, хусусан, унинг 29-моддасида ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эгаллиги амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустасно эканлиги назарда тутилган [2].

Айнан ушбу конституциявий қоидадан келиб чиқадиган бўлса, мамлакатимизда ҳам фуқароларнинг ахборот излаш ва уни олиш ҳамда тарқатиш ҳуқуқлари амалдаги қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан қафолатланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ривожланган демократик мамлакатларнинг давлат бошқарувида ахборот алмашиш, фуқароларнинг ахборотга нисбатан ҳуқуқлари билан бир вақтнинг ўзида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш, ахборотнинг шаффофлиги ва барча учун излаш, олиш ва тарқатиш имкониятларининг эркинлиги билан боғлиқ масалалар марказий ўринни эгаллайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот тарқатиш тизимининг мукамаллигини таъминлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Мазкур тизим муҳим ижтимоий масалаларда тезкор жавоб олиш имконини берибгина қолмасдан, давлат хизматчилари билан бевосита муносабатга киришишга имкон беради, шунингдек фуқароларнинг зарур хизматлардан фойдаланиш ҳамда расмий маълумотларни олиш йўлида маъмурий характердаги барча тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга замин яратади.

Ушбу ўринда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Шу мақсадни амалга ошириш учун 2016 йил 25 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрида эса “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони [3] қабул қилинди. Ушбу Фармонга асосан Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва туманларида Президентнинг халқ қабулхоналари очилди. Халқ қабулхоналарининг очилиши давлат бошқарувини оптималлаштиришда электрон ҳуқуқ тизимининг жорий этилиши учун катта қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан 2017 йил 19 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида, 2017 йил мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинди, бизнинг мақсадимиз – юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашдан иборат. Ишончимиз комил: халқ давлат органларига эмас, балки давлат

органлари халқимизга хизмат қилиши керак. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ҳозирги кунга қадар бир миллиондан ортиқ фуқароларимиз бу қабулхоналар орқали ўзларининг долзарб муаммоларини ҳал қилди” – деб таъкидлаб ўтдилар [4]. Бу ҳам электрон мурожаатнинг давлат аҳамиятига молик нақадар муҳум эканлигини кўрсатиб беради.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат бошқаруви органлари билан муносабатларда юзага келадиган айрим ижтимоий муносабатларни тартибга солишда электрон ҳукуматнинг жорий этилиши самарали воситалардан ҳисобланади. Айниқса, кичик ва ўрта бизнес вакиллари ижтимоий ҳаётдаги турли муаммоларни ҳал қилишда мунтазам равишда мансабдор шахсларнинг бюрократик тўсиқларига тўқнаш келганликлари боис, улар давлат бошқарувининг умумэтироф этилган институтларига ва давлат структурасига жиддий эътирозлари мавжудлигини таъкидлашади. Давлат бошқаруви органлари фаолиятида учрайдиган шундай камчиликлар натижаси электрон ҳукуматнинг қанчалик зарурийлигини ва унинг ҳар томонлама аҳамиятли эканлигини ижтимоий ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Биз юқорида ахборот олишга бўлган ҳуқуқ ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқи эканлигини таъкидлаган эдик. Жумладан, бундай ҳуқуқнинг кафолатланиши мамлакатимизда ўзининг зарур ҳуқуқий асосларига эга бўлиб, хусусан, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги [5], “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги [6], “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги [7] ва “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги [8] Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда бошқа қонуности ҳужжатларини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади.

Ўзбекистонда ҳам давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш борасида мамлакатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Айниқса, бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилиниб, ҳаётга жорий этилаётган қонунлар республикаимизда электрон ҳукуматнинг босқичма-босқич тарзда йўлга қўйилаётганлигининг исботидир.

Илк маротаба мамлакатимизда “электрон ҳукумат” ибораси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан 2013 йилнинг 18 январида Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қўлланилган. Хусусан, мамлакатимиз раҳбари ўз сўзида “электрон ҳукумат” тизимини, шу жумладан бошқарув жараёнлари, шунингдек бизнес соҳасига ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштиришга, ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларни интеграция қиладиган миллий тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаган эди [9].

Ўзбекистонда электрон ҳукуматнинг жорий этилишидан кўзланган энг асосий мақсад, биринчи навбатда, давлат органлари томонидан фуқаролар ва юридик шахсларга маълумотлар етказишнинг сифати ва тезлигини ошириш, фуқароларнинг давлат органлари ахборот базасидан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлаш ва шу орқали давлат органлари фаолиятини ҳамда давлат аппаратининг таркибини оптималлаштириш ва улар ишининг самарадорлигини ошириш истиқболларини белгилашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Агар манбаларга эътибор қаратадиган бўлсак, “электрон ҳукумат” ва “электрон демократия” каби тушунчалар биринчи бўлиб, АҚШ ва Буюк Британия олимлари томонидан муомалага киритилган бўлиб, энг аввало, бу давлат органлари томонидан қарорлар қабул қилиш жараёнларида фуқаролар иштирокини таъминлашга, янги ахборот технологияларидан фойдаланиш ва асосий демократик қадриятларни ривожлантириш ва ҳимоя қилишни назарда тутган [10].

Шу ўринда мамлакатимиз томонидан жамият учун муҳим қарорларнинг қабул қилинишида кенг жамоатчилик иштироки таъминланмоқда. 2017 йил 23 – 27 январь кунлари Тошкент шаҳрида медиа-хафталик ва халқаро давра суҳбати ташкил этилиб, унда 1300 дан ортиқ мутахассис ва эксперт, жамоатчиликнинг, оммавий ахборот воситаларининг, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг, шунингдек Ўзбекистонда фаолият юритаётган йирик хорижий инвесторларнинг вакиллари иштирок этишди.

“Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими” порталида www.regulation.gov.uz йўлга қўйилган жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги

Фармони, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари” йилида амалга оширишга оид Давлат дастури юзасидан 1310 та таклиф ва мулоҳаза келиб тушиб, улар асосида Давлат дастурининг 41 та банди қайта кўриб чиқилди [12]. Айнан ушбу Ҳаракатлар стратегиясини электрон демократияга мисол бўлади, деб айтишимиз мумкин.

Электрон демократия ҳар бир шахсга мамлакатнинг сиёсий жараёнларида қатнашиш имкониятини яратибгина қолмасдан, бу жараёнда унинг ўз ҳаракатларини ўзи томонидан баҳолаш имкониятларини ҳам яратади. Интернет ва унинг ахборот структуравий тузилиши ҳозирги вақтда чекланмаган имкониятларни амалда таъминламоқда. Бу биргина аҳолининг сайлаб қўйиладиган лавозимларга кимларнинг номзоди қўйилганлигидан хабардор бўлишдан тортиб, бевосита фуқаронинг электрон тарзда кимни сайлаш ва кимга овоз бериш масаласининг ҳал қилинишигача хабардор бўлиш имкониятини қамраб олади.

Электрон ҳукуматнинг конституциявий-ҳуқуқий ғояси фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш орқали амалга ошади. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади. Бунинг асосида фуқароларнинг давлат иқтисодий ва сиёсий ҳаётига интернет воситасида таъсир ўтказиш имконияти яратилади, аҳолининг сиёсий фаоллиги ошади, шунингдек сиёсий сайтлар ва порталлар орқали давлат ҳокимиятига таъсири ҳам ошиб боради.

Техникавий тараққий этган мамлакатларда бошқарув органлари томонидан интернетдан фойдаланиш масаласига давлат ҳокимияти бошқарувининг самарадорлигини оширишда стратегик муҳим йўналиш сифатида қаралмоқда.

Бугунги кунда ахборот технологиялари давлат аппарати тизимида ишнинг самарадорлигини оширишда нисбатан таъсирли инструмент ҳисобланиб, у жамиятда давлат ҳокимияти тўғрисидаги маълумотларнинг шаффофлигини таъминлаш ҳисобига ҳукумат нуфузини янада мустаҳкамлашга, шунингдек ҳокимият фаолиятидаги ортиқча сарф-харажатларнинг камайишига олиб келади. Айнан шунинг учун кўпчилик тараққий топган мамлакатлар жамият олдида ҳисобдорлик ва масъулиятлилиқ тамойилларига асосланган давлат бошқарувининг янги моделларини жорий этмоқда.

Шу мақсадда Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси сифатида 2017 йил 8 август куни ПФ – 5139-сон билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида ҳам академия тингловчилари давлат бошқарувини ташкил этиш, ахборот-коммуникация ва “электрон ҳукумат” соҳаларида мустаҳкам билимларни эгаллашларини таъминлаш таъкидланган [11].

Бундан ташқари, Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018 – 2021 йилларда “электрон ҳукумат” тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Қарорда 2021 йилгача электрон шаклга ўтказиладиган асосий давлат хизматларни ва давлат органлари функцияларини хатловдан ўтказиш, давлат хизматларини кўрсатишда идоралараро электрон ҳамкорлик ёрдамида жўнатиладиган маълумотлар рўйхатини белгилаш, давлат органлари томонидан қабул қилинадиган ва юбориладиган маълумотларни таҳлил қилиш, давлат хизматларини кўрсатиш тартиботини такомиллаштириш, ахборот тизимлари ва улар ўртасида узатиладиган маълумотлар рўйхатини ҳамда электрон шаклга ўтказиладиган давлат хизматлари рўйхатини ўз ичига олган “электрон ҳукумат” тизимини янада ривожлантириш бўйича йўл харитасининг тасдиқлаш масалалари ўз аксини топиши кўзда тутилмоқда.

Электрон ҳукуматни ахборот хавфсизлигини таъминламасдан туриб жорий қилиб бўлмаслиги бизга маълум. Ҳаракатлар стратегиясида “электрон ҳукумат” тизими доирасида ишлаб чиқиладиган ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги юзасидан мониторинг қилиш тизимини яратиш ҳам кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсадларни амалга ошириш мамлакатимизда электрон ҳукуматни жорий этиш ва уни ривожлантиришда, энг аввало,

фуқароларнинг ахборот технологияларидан самарали фойдаланишини йўлга қўйиш лозим бўлади. Бу эса электрон тармоқ орқали давлат органлари томонидан аҳолига тўлиқ ва ишончли ахборотларни ўз вақтида етказиб беришни таъминлабгина қолмасдан, фуқаролар ва юридик шахсларнинг давлат бошқаруви органларининг ижтимоий ҳамда давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини ҳам кенгайтиришга ёрдам беради. Бундан кўринадики, мамлакатимизда давлат бошқарувида электрон ҳукумат ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

References:

1. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi // – T.: O‘zbekiston, 2014. – B.24.
2. “2017–2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi”, O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017 y., 6-son, 70-modda, 20-son, 354-modda, 23-son, 448-modda.
3. “Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari bilan ishlash tizimini tubdan takomillashtirishga doir chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 2016-yil 28-dekabr. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlar to‘plami, 2017 y. 1(761)-son
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 19-sentyabr kuni Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida nutqi.
5. O‘zbekiston Respublikasining “Axborotlashtirish to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 2004 y., 1-2-son, 10-modda; O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2014 y., 36-son, 452-modda.
6. O‘zbekiston Respublikasining “Axborot erkinligi prinsiplari va kafolatlari to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 2003 y., 1-son, 2-modda.
7. O‘zbekiston Respublikasining “Ommaviy axborot vositalari to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2007 y., 3-son, 20-modda.
8. O‘zbekiston Respublikasining “Davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari faoliyatining ochiqligi to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2014 y., 19-son, 209-modda.
9. O‘zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimovning 2012-yilda mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari hamda 2013-yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma‘ruzasi. <http://uza.uz>.
10. L.Prixodko. “Elektronnoye pravitelstvo kak razvitiye idey elektronnoy demokrati” izvlecheno iz register. h10.ru/g/cw.gif?disser7, 20 avgusta 2008 g.
11. “O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi davlat boshqaruvi akademiyasida boshqaruv kadrlarini tayyorlash, qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirishning samarali tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, Sobraniye zakonodatelstva Respubliki Uzbekistan, 2017 g., № 32, - S.795.
12. www.uza.uz <<http://www.uza.uz>>.